O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 3103091

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 12-mart • Payshanba • 30 (27.991) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

То фасли баҳор зеби олам бўлғай,
Ул зеб ила боғ сабзу хуррам бўлғай.
Алишер НАВОИЙ

✓ ЎзХДП ҳаёти

ЕТАКЧИЛИК МАҲОРАТИ

ва малакаси электорат билан самарали иш олиб боришда муҳим аҳамиятга эга

Деярли ҳар куни ҳаётимизда бир янгиликка гувоҳ бўлиш мумкин. Бу шубҳасиз, партиямиз олдига ҳам янги вазифаларни қўймоқда. Уларни амалга ошириш эса алоҳида фаоллик, жонкуярлик, янги иш услубларини талаб этади. Бунинг учун партия ташкилотлари ходимлари малакасини, профессионал маҳоратини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Хоразм вилоятида партиямизнинг туман ва шаҳар кенгашлари томонидан ана шу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда.

Гурлан туманида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилий тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган ўқув машғулотида халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, бошланғич ташкилотлар раислари иштирок этди.

Вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров бугун партиямиз етакчилари, тарғиботчилари олдида турган энг муҳим вазифалар, уларни амалга ошириш йўллари ҳақида фикр юритди. Машғулот қатнашчилари бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат ва маҳаллий дастурлари бажарилишини мониторинг қилиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Фаолиятимиз самарасини ошириш, электорат орасида партиямиз мавқеини янада мустаҳкамлаш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, — деди «Хизир эли» ҳудудий партия ташкилоти етакчиси Эркиной Юсупова. — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш билан жамиятда партиямиз таъсир кучини ошириш имконига эга бўламиз, деб ўйлайман.

— Бугунги машғулот мен учун жуда фойдали бўлди, — деди 2-мактаб ўқитувчиси, туман партия кенгаши тарғибот гуруҳи аъзоси Зулфия Бобожонова. — Мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда партиямизнинг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, Жамоатчилик қабулхоналари электоратимизни қўллаб-қувватлашда муҳим тузилмага айланди. Электорат вакиллари билан мунтазам мулоқотда бўлиб, уларни қийнаётган муаммоларни биргаликда ҳал этиш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда. Аммо бу борадаги ишларни изчил такомиллаштириб, бир вақтнинг ўзида одамларни кўрилган чоралар натижаси ҳақида хабардор этиб бориш зарур. Партиямизга маҳоратли ва малакали кадрлар жуда зарур. Бундай ўқувлар эса ушбу эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

— Маҳалла — жамият таянчи, — дейди Гурлан шаҳарчасидаги 2-сон маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Мадатова. — Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда маҳалланинг ўрнига алоҳида эътибор қаратди. Демак, партиямиз нуфузини оширишда ҳам ўзини-ўзи бошқариш органи бўлган — маҳалла имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишга эътибор қаратмоқ керак. Партия ташкилотлари айнан маҳаллалар билан ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, эътиборни кучайтирмоқлари, улар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамламоғи зарур.

(Ўз мухбиримиз)

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳар бир демократик давлатнинг устувор вазифасидир.

Ўзбекистон Республикасида Асосий Қонун — Республиканинг Конституцияси қабул қилиниши билан инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади белгиланган, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига, шунингдек, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик эълон қилинган, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларининг устунлиги тан олинган.

Мазкур принциплардан келиб чиқиб, Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида ва ташаббуси асосида мана бир неча йиллар давомида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган чоралар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Олдинги мақолада қонунчиликдаги мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини либераллаштириш мақсадларига хизмат қилувчи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган ўзгаришлар хусусида сўз юритган эдик.

Лекин суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни бу билан тўхтагани йўқ. Давлат ва жамиятнинг ривожланиши қонунчилик базасини такомиллаштириш ва уни ҳозирги кун талабларига мувофиқлаштириш заруратини юзага келтиради. Бусиз мамлакат ҳаётининг иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларида кенг кўламдаги демократик ислоҳотларни амалга ошириб бўлмайди.

Бугун ислоҳотлар янада янгиланиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган соҳаларни қамраб олмоқда. Шу мақсадда халқаро тажриба ўрганилмоқда, амалдаги қонунчилик ва уни қўллаш амалиёти таҳлил қилинмоқда, уни такомиллаштириш ва соддалаштиришга, шунингдек, бундай йўл орқали ҳали мавжуд камчиликларни бартараф қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Қонунчиликдаги янгиликларни шарҳлашдан олдин уларнинг самарадорлиги масаласида тўхталсак. Чунки бу олдимизга қўйилган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш каби мақсадларга эришиш борасида муҳим омилдир.

Буни конкрет мисолларда кўриб чиқсак.

2-бет

Мустақиллик иншоотлари

Хоразм вилояти Хазорасп туманида Амударё узра барпо этилган узунлиги 681 метр бўлган бетакрор ва Марказий Осиёда ягона кўприкнинг фойдаланишга топширилганига бугун 5 йил тўлди

МУҲТАШАМ КЎПРИК

тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилмоқда

Бу кўприкдан 2005 йилда 1 миллион 146 минг тонна юк ташиб ўтилган бўлса, 2008 йилга келиб, ушбу рақам 1 миллион 586 минг тоннани ташкил этди. 2005-2008 йиллар, яъни 4 йил мобайнида 5 миллион 551 минг тонна халқ хўжалиги юклари олиб ўтилди. Бу фақат темирйўл транспорти орқали ташиб ўтилган юклардир. Демак, миллионлаб АҚШ доллари тежаб қолинди...

Маълумки, мамлакатимиз жуғрофий жиҳатдан халқаро коммуникациялардан, денгиз йўлларидан олисда жойлашган. Ушбу кўприкнинг очилиш маросимида Юртбошимиз шундай деган эди: **«... дунё бозорига ҳатто энг яқин денгиз порти орқали чиқиш учун ҳам бизнинг камида икки-учта давлат ҳудудини кесиб ўтишимизга, қанчаданқанча ортиқча харажат қилишга, қанча ташвиш чекишга, баъзан сунъий тўсиқларни ҳам енгиб ўтишга тўғри келмоқда».**

Шу боисдан истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ, жаҳонга, дунё бозорларига янги йўлларни очиш давлатимиз учун сув билан ҳаводай зарур ҳаётий эҳтиёжга айланган эди.

Амударё кўприги мустақиллик шарофати билан барпо этилган Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўлининг узвий давоми бўлиб, минтақадаги қишлоқлар аҳолиси турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган дастлабки истиқболли лойиҳаларнинг бири эди.

Ушбу кўприк Тошкентдан Хоразм вилоятига қатнайдиган поездларнинг йўлда юриш вақтини 5,5 соатга, масофани 300 километрга қисқартирди. Шунингдек, транзит ташишлар учун ҳар йили тўланадиган миллионлаб АҚШ долларини тежаш имконини берди. Кўприк қурилиши якунланиши билан унинг яқинидаги 343-разъезд кенгайтирилиб, «Истиқлол» бекати барпо этилди.

3-бет

БУХОРОДА НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

Элимиз суйган ва орзиқиб кутган қадимий байрам — Наврўзи олам тобора яқинлашмоқда.

Бухороликлар ана шу умумхалқ байрамига тайёргарликни аввало шаҳар ва қишлоқларни янада кўкаламзорлаштириш ҳамда ободонлаштиришдан бошладилар. Юртимизни чинакам боғ-роғлар, гуллар ўлкасига айлантириш мақсадида ёшу қари ҳамма баҳор юмушларидан четда тургани йўқ. Қўлидан иш келадиган борки, яхши ният билан гул ва кўчат ўтказмоқда.

— Табаррук қадамжолар, аждодларимиз ҳоки қўйилган қабристонларни тартибга келтириш ва кўкаламзорлаштириш халқимизнинг қадимий удумларидан, — дейди Шофиркон тумани ҳокими Идибой Жўраев. — Бу йил етти пирнинг бири — Хожа Ориф — Ревгарий зиёратгоҳи янада чирой очди.

Пири комил қадамжоси атрофи обод гўшага айлантирилди. Бу ерда минглаб туп манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилиб, ранг-баранг гуллар экилди.

Шунингдек, катта йўл ёқалари, ўртаси ҳамда улар атрофида янгидан гулзорлар барпо этилмоқда. Бу ишларда Бухоро, Вобкент, Ғиждувон, Ромитан, Жондор тумани аҳли алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда.

Бугун вилоятда аҳоли яшаш жойлари ҳамда ариқзовурларни тозалаш ишлари зўр уюшқоқлик билан бажарилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ

✓ Фракция фаолияти

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ДЕПУТАТЛАРИ

партия позициясидан келиб чиқиб, қонунлар лойиҳаларига таклифлар киритдилар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси парламент қуйи палатасининг ялпи мажлиси олдидан унинг кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилди.

Фракция аъзолари дастлаб биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдил Тўхташев мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли 2001 йилда ярашув институти қонунчилигимизга киритилгани ҳақида тўхталиб, шу вақтга қадар тўқсон мингга яқин фуқаро ярашув институти имкониятларидан фойдаланганини таъкидлади.

Амалдаги қонунчилик ўрганилганда, ярашув институтини ЖКнинг 66[1]-моддаси доирасига тушувчи, содир этилиши характери ва ижтимоий хавфлилик даражаси ўхшаш яна 11 та жиноятга нисбатан ҳам қўллаш мумкинлиги аён бўлди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Бош прокурор томонидан Жиноят кодекси 66[1]-моддасининг биринчи қисмини янги тахрирда баён этиш таклифи қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилди.

— Ярашув институтининг такомиллаштирилиши жиноят судлови соҳасини янада либераллаштиришга хизмат қилади, — дейди фракция аъзоси Абдуманнов Раҳимов. — Ушбу қонун лойиҳасининг киритилиши мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми, дейиш мумкин.

Фракция «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чикди. Мазкур масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Шавкат Тешаев маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш Департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига асосан Молия вазирлиги Ғазначилигига мамлакатимизга келаётган барча турдаги, шу жумладан, номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини ҳисобга олиш вазифаси юклатилган. Шу мақсадда амалдаги қонунга тегишли қўшимча киритиш назарда тутилмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегараси тўғрисида»ги Шартномани (Душанбе, 2002 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси юзасидан Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари Латиф Ғуломов маъруза қилди. У мазкур ҳужжат «Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисида»ги (2000 йил 15 июнь) Шартномага асосан имзоланганини таъкидлади. Ҳужжат имзоланганидан кейин ўтган давр мобайнида айрим географик ва топономик масалалар чуқур ўрганилди. Мамлакатларимизнинг айрим чегара ҳудудларига аниқлик киритилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 217- моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Қонунчилик палатаси қарори лойиҳаси юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Акрам Жумаев сўзга чикди.

Ушбу масалани депутат Латиф Ғуломов қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритган. Бундан асосий мақсад сиёсий партиялар томонидан ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга ҳисобот тақдим этишига доир қонун ҳужжатлари талабларини бажаришда юзага келадиган масалаларни бартараф этишга қаратилган.

Фракцияда, шунингдек, «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

— Мазкур қонунда соҳадаги асосий тушунчалар аниқлаштирилмоқда, — деди масала юзасидан сўзга чиққан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Насим Алимов. — Бошқарув тизими шакллантирилиб, тегишли давлат идоралари ва муассасаларининг ваколатлари, умуммажбурий қонуности ҳужжатларни қабул қилиш тартиби, археология фаолиятининг назоратини молиялаштириш, соҳадаги халқаро ҳамкорлик, низоларни ҳал этиш, қонунчиликни бузишнинг оқибатлари ва бошқа масалалар белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Археология институтидан олинган маълумотларга кўра 8500, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маълумотларида эса 3945 та археологик объект мавжудлиги қайд этилган. Уларнинг 64 тасида кадастр ишлари амалга оширилган, холос. Кўриниб турибдики, мамлакатимиздаги археологик объектларнинг аниқ сони маълум эмас. Шунинг учун ушбу қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Фахриддин РАЖАБОВ: — Археологик ёдгорликларни қонун билан муҳофаза қилиш учун аввало, уларни тан олиш зарур. Шунинг учун қонунда қандай объектларни археологик ёдгорлик деб аташ мумкинлиги, археологик ёдгорлик сифатида тан олиш асосларини кўрсатиш зарур.

Илҳом АҲМЕДОВ: — Қонун ташаббускорлари ушбу қонунни амалга киритиш Давлат бюджетидан ҳеч қандай ортиқча маблағ талаб этмаслигини айтишмоқда. Аммо барча археологик объектларни давлат кадастри рўйхатидан ўтказиш, уларнинг паспортларини тузиб чиқиш катта маблағ талаб этади. Бу ишлар кимнинг маблағи ҳисобидан амалга оширилиши ҳамда қайси давлат органининг масъулиятига киришини қонунда аниқ белгилаш зарур.

Депутатлар Гулистон Аннақличева, Боймурод Юсупов, Улуғбек Вафоев, Насимқул Каримов, Маҳмуджон Маҳкамовлар ҳам қатор таклифларни ўртага ташладилар. Шунингдек, қизғин савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Йиғилишда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● КЎПЧИЛИК БИРЛАШСА

ҳар қандай юмушни уддалайди. Деновлик партия фаоллари дастурий мақсадларимизни амалга оширишда ҳамжиҳатликни янада кучайтирмоқ зарур, дейишмоқда.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

● «ТАШАББУС — 2009»

Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари аниқланди

3-бет

Янги шеърлар

● ОДАМ БОЛАСИГА ТАФАККУР ЁРДИР

4-бет

✓ ЎзХДП ҳаёти

КЎПЧИЛИК БИРЛАШСА

ҳар қандай юмушни уддалайди. Деновлик партия фаолларининг айтишича дастурий мақсадларимизни амалга оширишда ҳамжиҳатликни янада кучайтирмоқ зарур

Маҳалла аҳли тотувлиги, фаровонлиги, юрт тараққиётида муҳим ўрин тутади. Уч юз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Денов туманида 108 та маҳалла, 18 та қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд. Туман партия кенгаши улар билан ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор бермоқда. Чунки, партиямиз дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан улар билан олиб борилаётган ҳамкорликка боғлиқ.

Куни кеча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар фуқаролар йиғинлари фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувда ЎзХДП Денов туман кенгаши раиси Абдуолим Бўриев айнан ушбу масалага тўхталди.

— Ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадларимизни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратади, — деди «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман кенгаши раиси Ўрол Ҳамроев. — Ўзбекистон ХДП ва «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ижтимоий шериклик тўғрисидаги битими замирида ҳам ана шу мақсадлар ётибди. Аксарият маҳаллаларимизда партиямизнинг бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатади. Аҳолини ташвишга солаётган айрим масалаларни жойларнинг ўзида бартараф этиш ташаббуси кўп ҳолларда партия фаолларидан чиқмоқда. Шунинг учун ҳам аҳоли орасида тарафдорларимиз кун сайин кўпаймоқда.

— Маҳалла ҳамжиҳатлик қўрғони, — дейди «Чўнтош» маҳалласида истиқомат қилувчи Исомиддин Дўстов. — Кўпчилик бирлашса, ҳар қандай юмушни уддалайди. 2002 йилнинг қишида уйимизга ўт тушиб, ёниб кетди. Ана шундай оғир кунда маҳалладошлар жонимизга оро кирди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ХДП фаоли Ҳимматой Аллаёровнинг ташаббуси ва кўмаги билан қисқа фурсатда рўзғоримиз яна бутланди. Партия аъзоларининг биз учун жон куйдиргани, қайғурганини кўриб ЎзХДПга ишончим, ҳурматим ортди...

— 73 ёшдаман, — дейди «Янгиобод» маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳалима Рамазонова. — Ўн беш йилдан ортиқ ёшларга таълим-тарбия бердим. 25 йил маҳалла фуқаролар йиғинида ишладим. Бугун маҳалламизга Исмоил Жумаев оқсоқол. Куюнчаклиги, фидойилиги, қўлдан келган ёрдамини ҳеч кимдан аямаслиги сабаб одамлар ундан миннатдор.

Ўн йилдан буён оёқларим ишламай, тўшакка михланиб қолганман. Маҳалла оқсоқоли партия фаоллари билан бирга ногиронлик аравачасини совға қилганда кўзларимга ёш келди. Униб-ўсиб келаётган ёшларимиз ана шундай инсонлардан ибрат олиб тарбия топишини истайман...

Мулоқотда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, одамларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда депутатлар, туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси имкониятларидан кенг фойдаланиш борасида келишиб олинди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни кучга кирганига бир йилдан ортиқ вақт ўтди.

Уни амалиётда қўллашнинг дастлабки натижалари давлатимиз раҳбарининг қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги фикрининг нақадар тўғрилигини тасдиқламоқда.

Хусусан, ўтган йилда прокурорлар томонидан судларга айбланувчилар ва гумон қилинувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида 16610 та илтимосномалар киритилган. Ушбу илтимосномаларнинг 16338 таси судлар томонидан қаноатлантирилган, 248 таси эса рад этилган.

Судлар томонидан мазкур илтимосномаларни қаноатлантиришнинг рад этилиши, шунингдек, баъзи ҳолатларда судларнинг асоссиз ажримларининг бекор қилиниши ҳоллари янги қонун нормалари самарадорлигининг тўғридан-тўғри далилидир. Бу ҳолатлар қандайдир фавқулодда ҳодиса сифатида эмас, балки ҳақиқий демократик давлатда мавжуд бўлиши керак бўлган оддий ҳол сифатида баҳоланиши лозим.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишнинг пировард мақсади ҳам шахснинг Конституцияда белгиланган эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқларини чеклаш борасида айнан холислик ва беғаразликни таъминлашдан иборатдир.

Дастлабки тергов устидан назоратни амалга ошириб, айни вақтда бевосита ўзи жиноят ишларини тергов қилган прокурор томонидан санкция берилган вақтларни бир эслайлик. Прокурорларнинг холислигини шубҳа остига олмаган ҳолда, айрим ҳолларда очиқда қолдирилганлиги туфайли дастлабки терговнинг юритилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб, улар айбланувчиларнинг эркинлигини чеклашдан маълум даражада манфаатдор бўлганлигини ҳам инобатга олишимиз лозим. Қамоққа олиш ҳақидаги қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят бериш тартиби эса ҳар доим ҳам кутилган самарани бермаган.

Бундан буён, оддий гап билан айтганда, шахсни қамоққа олиш масаласининг ҳал қилиниши текширишнинг уч босқичидан ўтади. Дастлаб прокурор терговчининг айбланувчини қамоққа олиш лозимлиги ҳақидаги фикрининг қонунийлиги ва асослилиги жиҳатидан текшириб, унга қўшилган тақдирда судга тегишли илтимосномани киритади. Шу босқичнинг ўзидаёқ бир қатор шахсларга нисбатан озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин.

Шундан сўнг туман (шаҳар) суди унга илтимоснома билан тақдим қилинган материалларни шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида ўрганиб, прокурорнинг илтимосномасини қаноатлантириш ёки уни рад этиш хусусида қарор қабул қилади.

Ўз навбатида, апелляция инстанцияси суди, апелляция шикояти ёки протест келтирилган тақдирда, суднинг қарорига тегишли баҳо беради ва уни ўз кучида қолдириш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, яқин келажакда бундай тизим шахсларни қонунга зид равишда қамоққа олиш ҳолларига барҳам берилишига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳақиқий таъминланишига олиб келади.

2008 йилнинг 17 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-911-сонли Қарори билан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси ҳамда ҳудудий комиссиялар томонидан одам савдоси ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш ва одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактик тадбирлар ўтказилди.

Авваламбор, аҳолининг бандлиги даражасини ошириш борасида чоралар кўрилмоқда. Бунда республикада тадбиркорликни, шу жумладан кичик бизнесни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, унинг йўлидаги маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида алоҳида тадбирлар дастури тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Шу билан бирга, бўш иш ўринларига эга корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иштирокида бутун республика бўйлаб меҳнат ярмаркалари ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланилган ҳолда турли учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил қилиниб, мунтазам равишда тушунтириш тадбирлари ўтказилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг одам савдосига қарши курашиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тиббий ва таълим муассасалари, нодавлатнотижорат ташкилотлар ва кенг жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлиги таъминланди. Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ташкил этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг фош этилиши яхшиланди. Агар 2007 йилда жами 382 та бундай ҳолатлар аниқланган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич деярли 2,5 бараварга ошиб, 891 та жиноятни ташкил этган.

Кўрилаётган чоралар аҳолининг одам савдоси ҳолатидан хабардорлиги ўсиб бораётганлиги билан биргаликда фуқароларнинг «қулликка» тушиб қолиш ҳолатларининг кескин камайишига олиб келиши шубҳасиздир.

Энди охирги пайтларда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида юз берган янгиликларга эътиборимизни қаратсак.

Хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги ПҚ-896-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилди. Бу Марказнинг очилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур демократик ислоҳотларнинг давоми бўлди.

Суд фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд тизими вазифаларини белгилаб берувчи қоидалари рўёбга чиқарилиши самарадорлиги масалалари бўйича қонунчилик базасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, жиноий, маъмурий жазолар тизимини янада либераллаштириш, суд ишларини юритишни демократлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, одил судлов тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, мазкур соҳада халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш каби вазифалар Марказ олдига қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан белгилаб берилган судҳуқуқ ислоҳотларининг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси фуқароларнинг юқори малакали юридик ёрдамга бўлган талабини қондириш учун зарур шароитларни яратишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг мазкур конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда қарийб 7 минг нафар адвокатларни бирлаштирувчи мингга яқин адвокатлик бюролари, ҳайъатлари ва фирмалари фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ишда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоячиси сифатида ҳар қандай шахс, шу жумладан юридик маълумотга ва юридик хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга бўлмаган шахс ҳам иштирок этишига йўл қўйган норманинг жиноят-процессуал қонунчилигида мавжудлиги фуқароларни малакали юридик ёрдам билан таъминлаш механизмидаги камчиликлардан бири эди.

Мазкур норма фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилишини ҳар доим ҳам таъминламас эди, адвокатуранинг айрим ҳолларда сохта юридик хизмат кўрсатувчи турли тузилмалар билан алмаштирилиши учун замин яратар эди. Бунинг устига ушбу ҳуқуқдан муқаддам адвокат бўлиб ишлаган, лекин ғайриҳуқуқий ёки ножўя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун лицензиядан маҳрум қилинган шахслар ўзларининг ғараз мақсадларида фойдаланар эди.

2008 йил 15 сентябрдаги Қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига киритилган ўзгартишлар жиноят процессида ҳимоячи сифатида фақат адвокат иштирок этиши, у билан бир қаторда эса бундай вазифани гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларидан бири амалга ошириши мумкинлигини мустаҳкамлаб қўйди. Натижада фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари кафолатининг мустаҳкамлиги таъминланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни кучга кирган вақтдан бошлаб шахснинг ҳимоя ҳуқуқини кафолатлаш соҳасида муҳим ижобий ўзгаришлар юз берди.

Мазкур Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига, шунингдек «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар ва уларнинг ҳимоячиларининг ҳуқуқлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Эндиликда ҳар бир гумон қилинувчи ва айбланувчи қонунчиликда муқаддам назарда тутилган ҳуқуқлари билан бир қаторда: ушлаб турилганлиги ёки қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериши; кўрсатмаларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши; учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда ҳимоячиси билан холи учрашиши; жиноят иши материалларидан техника воситалари ёрдамида кўчирма нусхалар олиши мумкин.

Гувоҳга адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш ва ўзига қарши кўрсатма бермаслик ҳуқуқлари берилганлиги, шунингдек, жиноят процессига гувоҳ суриштирув, дастлабки тергов органига ёки судга чақирилган пайтдан эътиборан иштирок этишга ҳақли бўлган янги иштирокчи — гувоҳнинг адвокати киритилганлиги алоҳида эътиборга сазовор.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи 197¹-моддаси билан тўлдирилганлиги адвокатлик фаолиятининг яна битта кафолати бўлди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш жараёнида 2008 йилнинг 22 сентябрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун муҳим ўрин тутди.

Жумладан, ушбу қонун билан Жиноят кодексига жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириши учун жиноий жавобгарликни белгиловчи янги 241¹–модда киритилди.

Бу қўшимча содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги аризалар, хабарлар ёки бошқа маълумотларни қабул қилишдан бош тортиш, уларни рўйхатдан ўтказмаслик ва кўриб чиқмаслик каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ҳодимлари томонидан ҳанузгача йўл қўйиладиган ҳолатларга қарши курашишга қаратилгандир.

Жиноятларни ҳисобдан яширишнинг асосий сабаблари жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий актлар талабларини бузиш, тегишли ҳудудда жиноятчилик ва жиноятларни фош этиш даражасини сунъий равишда ижобий қилиб кўрсатишга интилишдан иборат.

2008 йилнинг ўзида ҳисобдан яширилган жиноятларнинг ярмидан кўпини фош этиш даражаси ҳозирда юқори бўлмаган ўғирликлар, талончиликлар, фирибгарликлар ва босқинчиликлар ташкил қилган.

Шу билан бирга, Жиноят кодексида жиноятни ҳисобга олишда қасддан яшириш учун жавобгарликка оид махсус норманинг мавжуд бўлмаганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг мансабдор шахслари бундай қилмишлари учун Жиноят кодексининг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ваколат доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги каби моддалари бўйича жавобгарликка тортилишига олиб келган. Бу эса жиноятларни яширишни (масалан, унча оғир бўлмаган жиноятларни) ҳар доим ҳам жиноий қилмиш тариқасида баҳолашга тўсқинлик қилар эди.

Жиноят кодексига мазкур норманинг киритилиши, шубҳасиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг фаолиятидаги жиноятларни ҳисобга олишдан қасддан яшириш ва бунинг оқибатида жабрланувчилар ва бошқа фуқароларнинг жиноий қилмишларини объектив тергов қилишга бўлган ҳуқуқларини поймол қилиш ҳолларига барҳам берилишига, шунингдек бу қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга кўмаклашади.

Шунингдек, мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасига жиноят ишларининг терговга тегишлилиги қоидаларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартишлар киритилди.

Хусусан, прокуратура органларининг терговига тааллуқли, Жиноят кодексининг элликта моддасида назарда тутилган ва уларни фош этиш ҳамда тергов қилиш бевосита Ички ишлар органларининг профилактик ва тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ жиноятлар бўйича ишлари ички ишлар вазирлиги органларининг терговига ўтказилди. Фикримизча, бу чора ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида суриштирув ва дастлабки тергов устидан назоратни кучайтиришга, шунингдек прокуратура органларининг эътиборини иқтисодий, мансабдорлик ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини поймол қилиш билан боғлиқ жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш масалаларига қаратишга имкон яратади.

Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунига киритилган ҳамда прокурорнинг жиноят ишларини ўтказиш борасидаги ваколатларини чеклашдан иборат яна битта ўзгартириш прокурорларнинг суиистеъмолчиликларининг олдини олишга ва терговчилар процессуал мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Чунончи, прокурорнинг ваколатидан Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органларининг бир тергов тармоғидаги битта терговчидан бошқа терговчига ишни ўтказиш ҳуқуқи чиқариб ташланди, терговга тегишлилигидан қатъий назар ишни бир тергов органидан бошқа тергов органига ўтказиш ваколати эса қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолларда фақат Бош прокурор ва унинг ўринбосарларида сақлаб қолинди. Жиноят ишларини бирлаштиришда терговга тегишлилигини аниқлаштириш масалаларида ҳам қатъи қоидалар ўрнатилди.

Болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка киритиш борасидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Ўтган йилнинг 4 ва 8 апрель кунлари тегишли қонунларнинг қабул қилиниши билан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида»ги Конвенциялари ратификация қилинди. Шу муносабат билан 2008 йилнинг 12 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул қилиниб, мазкур конвенцияларни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга, вояга етмаганлар меҳнатининг меъёрлари ва шароитларига, болалар меҳнатининг оғир шаклларини йўқ қилишга ва улардан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликни белгилашга оид қоидалар Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигида мазкур конвенциялар ратификация қилинишидан анча олдин ҳам мавжуд бўлган. Ушбу нормалар асосида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни эксплуатациянинг барча шаклларидан муҳофаза қилиш борасида чоралар кўриб келинмоқда. Юқорида қайд этилган конвенцияларни амалга ошириш эса, шубҳасиз болалар меҳнатининг оғир шаклларига барҳам беришга қаратилган чораларнинг самарадорлигини янада оширади.

2008 йилнинг 24 сентябрида қабул қилинган Қонун билан Жиноят кодексининг вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш масалаларини тартибга солувчи нормаларидаги қарама-қаршиликлар бартараф қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг олтинчи бўлими вояга етмаганларнинг алоҳида ижтимоий мавқеи ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланиши даражасини ҳисобга олган ҳолда фақат уларнинг жиноий жавобгарлиги масалаларига бағишланган. Қонунда вояга етмаганларга нисбатан жазони индивидуаллаштириш бўйича қатъий талаблар белгиланган, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳоллари чегараланган.

Хусусан, Жиноят кодексининг 85-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас.

Айни вақтда, мазкур моддада уларга нисбатан унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашга йўл қўядиган нормалар ҳам бор эди ва бу ягона суд амалиёти шаклланишига салбий таъсир кўрсатар эди. Бу каби ҳуқуқий нуқсонларнинг мавжудлиги, айрим ҳолларда, вояга етмаганларнинг унча оғир бўлмаган жиноятлари учун ҳам озодликдан маҳрум қилинишларига олиб келган.

Киритилган ўзгартишлар ушбу қарама-қаршиликларни бартараф қилди ва келгусида жиноий қонуннинг тўғри қўлланилишини ва вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги кафолатларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодексига киритилган яна бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни такомиллаштириш ва янада либераллаштиришга қаратилган.

Хусусан, 2008 йил 18 сентябрдаги қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан шуғулланиш учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи янги 165-модда киритилди. Қонун бундай норма билан тўлдирилишининг сабаби нимадан иборат, деган савол туғилади. Фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун Жиноят кодексининг 190-моддаси биринчи қисмида жиноий жавобгарлик ўрнатилган бўлиб, бу жавобгарлик шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин юзага келади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги Қарорига кўра, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги 73 та фаолият турлари лицензиялаштирилиши лозим.

Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда лицензиясиз фаолиятнинг фақат 3 та тури, яъни рухсатсиз радиоузаткич шахобчаси ўрнатиш ва ундан фойдаланиш, видеоёзувли кассеталарни сотиш ёки ижарага бериш ҳамда автомобиль транспортида йўловчилар ташиш учун белгиланган эди.

Қолган 70 та фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи умумий норманинг қонунда мавжуд бўлмаганлиги мазкур ҳуқуқбузарликларга лозим даражада қарши курашишга (шу жумладан жиноий-ҳуқуқий воситалардан фойдаланган ҳолда) имкон бермас эди, чунки жиноий жавобгарликка тортиш учун шахс бунга қадар маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши лозим эди.

Мазкур камчилик бартараф қилинди ва лицензиясиз фаолиятни амалга оширган айбдор шахслар эндиликда қонун олдида қатъий жавоб берадилар. Шу билан ғайриҳуқуқий қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи таъминланади.

2008 йилнинг 24 сентябрида қабул қилинган қонун билан Жиноят кодексининг 186¹-моддасига этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш учун маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг шахснинг жиноий жавобгарлигини назарда тутувчи ўзгартиш киритилди.

Агар олдин унча кўп бўлмаган миқдордаги этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритганлик ҳолати юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилган бўлса, бундан буён биринчи марта анча миқдордан ошмаган қилмиш содир этилган ҳолда ушбу ҳаракат учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 186¹-моддасида назарда тутилган жавобгарлик юзага келади.

Мазкур қонуннинг амалга киритилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг фаолиятини жиддий равишда тўғрилашга имкон берди, чунки уларнинг куч ва маблағлари бу каби кам аҳамиятли қилмишларни аниқлаш ва тергов қилишга беҳуда сарфланар эди. Ушбу ҳақда қуйидаги статистик маълумотлар аниқ далолат беради: охирги уч йил давомида қўзғатилган бир мингдан зиёд жиноят ишлари бўйича қиймати 10 минг сўмдан ошмаган этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарганлик ёки муомалага киритганлик ҳолатлари тергов предмети бўлган.

Амнистия актларини қўллашнинг процессуал тартибини белгилаш масаласига ҳам батафсил тўхталиш лозим.

Барчага маълумки, 2008 йилнинг 28 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Ушбу амнистия акти қабул қилиниши ва уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқланиши билан республикамизда мазкур актни судга қадар иш юритиш ва суд қарорларини ижро этиш босқичларида татбиқ этиш масалаларини судларнинг ихтиёрига ўтказиш бўйича янги тартиб жорий қилинди.

Айтиш керакки, мазкур қарор эълон қилингунгача амнистия актлари судга қадар иш юритиш ва суд қарорларини ижро этиш босқичларида тегишли прокурорларнинг розилиги билан бевосита суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда жиноий жазоларни ижро этишга масъул бўлган органлар томонидан қўлланилар эди.

2008 йил 22 декабрда эса Ўзбекистон Республикасининг «Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни қабул қилинди.

Бу борада киритилган тузатишларга қисқача тўхталсак.

Хусусан, Жиноят-процессуал кодекси суриштирувчи, терговчи томонидан материал ёки жиноят ишини прокурорга юбориш, прокурор томонидан судга амнистия акти асосида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида илтимоснома қўзғатиш, материал, жиноят ишини судда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартибини белгиловчи боб билан тўлдирилди. Терговолди текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида шахсни амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш учун қонуний асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи материал ёки жиноят ишини мазкур шахснинг аризаси ва амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборади.

Прокурор, ўз навбатида, суриштирувчи ёки терговчининг тақдимномасига рози бўлган тақдирда, материал, жиноят ишини тегишли илтимоснома билан судга ўтказади.

Мазкур илтимоснома жиноят содир қилинган ёхуд дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан якка тартибда, прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади. Бундан ташқари, суд мажлисида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масаласи қўйилаётган шахс, шунингдек унинг қонуний вакили ва ҳимоячиси қатнашади.

Суд муҳокамаси натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, унга манфаатдор шахслар томонидан шикоят, прокурор томонидан эса протест келтирилиши мумкин.

Шунингдек, ЖПКга жиноий жазони ўтаётган шахсларга нисбатан амнистия акти прокурорнинг илтимосномасига асосан маҳкумнинг жазони ўташ жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан қўлланилиши тўғрисидаги норма киритилган. Бунда, Жиноят-ижроия кодексининг 166-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ, тегишли муассаса маъмурияти етарли асослар бўлган тақдирда, маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома юбориши шарт.

Амнистия актини қўллаш масаласи судларнинг ваколатига киритилиши суд тизимини ислоҳ қилишнинг мантиқий давоми бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш масаласини ҳал қилиш борасида одиллик, холислик ва беғаразлик принципларини таъминлашга ҳамда суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга қаратилгандир.

Шундай қилиб, биз охирги бир неча ой давомида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш мақсадида киритилган ўзгаришларни яна бир бор қисқача изоҳлашга ҳаракат қилдик. Айтиш керакки, бу жараёнлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг фақат кичик қисмидир. Ислоҳотлар фақат суд-ҳуқуқ соҳаси билан чекланмаяпти. Халқнинг фаровонлигида муҳим ўрин тутувчи ижтимоий ва иқтисодий соҳалар ҳам такомиллаштирилмоқда.

Бу ислоҳотларнинг барчаси фақат бир нарсадан далолат беради: ҳаётнинг барча соҳаларида Ўзбекистон изчил босқичма-босқич ривожланиш давридан ўтмоқда, мунтазам равишда янги қонунларнинг қабул қилиниши ва амалдаги қонунчиликка ўзгартишлар киритилиши эса давр талабидир. Бундай вазиятда юз бераётган ўзгаришларга сезгирлик билан қараб, кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш лозим. Бизнинг мамлакатимизда бу вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган изчил чора-тадбирлар давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг бевосита бошчилигида амалга оширилмоқда.

Рашитжон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.

(«Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 6 март сонидан олинди)

(Давоми. Боши 1-бетда)

КЎРИК-ТАНЛОВ

«Ташаббус — 2009»

Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари аниқланди

Куни кеча пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўргазма залида «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар туманларида ғоибликни қўлга киритган тадбиркор ва ҳунармандлар маҳорати яна бир бор синовдан ўтказилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу ерга келган 11 нафар тадбиркор ва 11 нафар хунармандларнинг ҳар бири ғолибликка муносиб эди. Масалан, Қаҳрамон Ғуломов раҳбарлигидаги «Қаҳрамон» илмий марказида ишлаб чиқарилаётган электр маҳсулотлари кўпчилик диққатини тортди. Бу маҳсулотлар асосан партиямиз электорати — ногиронлар томонидан ишлаб чиқарилмоқда. «TOSHKENT TRANS ENERGO» хусусий корхонаси ишлаб чиқарган юқори ва паст кучланишли электр ускуналар, Анвар Алимбоев, Ҳикматилла Жўрабоевларнинг ёғоч ўймакорлик буюмлари, Дилфуза Рихсиеванинг каштолари ҳам мутахассис ва томошабинлар томонидан эътироф этилди.

Икки гуруҳдан иборат ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналиши бўйича Шавкат Халилов раҳбарлигидаги «MET FUR SERVICE» масъулияти чекланган жамияти биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўрин Абдуғани Қосимов бошлиқ «E'TIQOD» хусусий корхонасига, учинчи ўрин «MURSAZAVA» хусусий корхонаси раҳбари Баҳодир Мирҳабибовга насиб этди. «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналиши бўйича ёғоч ўймакори Файзулла Юсупхўжаев ғолиб бўлди. Миниатюрачи рассом Баҳодир Ҳожиметов ва сомондан санъат асарларини ясаш устаси Жасур Жумаевлар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Кўрик-танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Биринчи ўринга сазовор бўлганлар «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг республика босқичида қатнашадилар.

Тадбирда шаҳар ҳокими А.Тўхтаев қатнашди.

(Ўз мухбиримиз)

Суратда: кўрик-танловдан лавҳа.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

МУҲТАШАМ КЎПРИК

тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилмоқда

«Биз учун шимолий йўналишда дарвоза очиш, шу минтақадаги бой ер ости табиий захираларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бу ерда истиқомат қилаётган одамларнинг ҳаётини обод қилишда бу улкан иншоот мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ва унинг ижобий самараси ва таъсирини яқин орада шу воҳадаги хўжалик ва ташкилотлар, ҳар бир оила ўз ҳаёти мисолида кўриши мумкин бўлади. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, кўприк ишга тушиши билан олдимизда турган кўп оғир муаммоларни ечиш, шу орқали катта маблағларни тежаш, истиқболимизни кўриш имкони туғилади».

Давлатимиз раҳбарининг бу орзу-ниятлари бугун амалга ошганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ушбу кўприк орқали Хоразм вилояти марказидан Тошкентга ва Ҳамдўстлик мамлакатларига, хусусан, Россия Федерациясининг бир қатор йирик шаҳарларини боғловчи йўловчи поездлари қатнови йўлга қўйилди.

— Илгарилари Урганчга боришда йўловчиларимиз чегара бекатларда соатлаб вақтини беҳуда сарфларди, — дейди 55/56-Тошкент — Урганч — Тошкент йўловчи поезди бошлиғи Олимжон Пўлатов. — Янги кўприк ишга тушиши билан сарсон-саргардонликка барҳам берилди. Энди йўловчилар эмин-эркин манзилларига етиб олмоқдалар. Янги йўл яқинидаги қишлоқ ва овуллар кун сайин обод бўлмоқда. Мактаблар қурилди. Кўчиб кетган оилалар янги кўприк ва йўл шарофати билан қайта кўчиб келмоқда. Ҳаёт қайнамоқда.

Кўприк барпо этилаётган йилларни темирйўл қурувчилари ҳамон ҳаяжон ва мамнуният билан эслашади. Муҳташам иншоот номини олган кўприк қайсар ва ўжар дарё ўзанидаги сув оқимини тўхтатмасдан олиб борилди. Ҳар куни қурувчилар учун дошқозонларда юз килолаб Хоразм гуручидан ош дамланди. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси озиқ-овқат билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилганига қарамай, маҳаллий аҳоли вакиллари, фермерлар, қишлоқлар фуқаролари галма-гал кунига қоплаб гуруч кўтариб, мол етаклаб келишарди. Қурилиш тугагунча ҳар кун шундай ўтди. Навбат бировга етди, бировга етмади.

...Юртбошимиз таъкидлаганидек, мураккаб табиий шароитда, қишнинг изғирин шамоллари, ёзнинг жазирама офтобида дарё сувини кечиб, бу муҳташам кўприкни қуриш осон бўлгани йўқ. Маррага бир қадам қолганда, устунлардан бирининг ўрнини бурғулаш пайтида муаммо чиқиб қолди. Бурғулаш пичоғи қаттиқ жисмга қадалиб, ундан уёғига ўтолмай қолди. На ўзимизнинг, на хориж техникаларига бўйсунди бу тош. Компания заводларидан тортиб, республикамиздаги йирик илмий муассасалар, марказлар, чет эллик мутахассислар жалб этилди. Лойиҳани ўзгартириш эса мумкин эмас. Иш бир неча ҳафталарга орқага сурилиб кетди. Машаққатли меҳнат, матонат туфайли қаттиқ жисм таслим бўлди. Устун пойдевори қоқилиб, сўнгги тўсинлар ҳам жой-жойига ўрнатилди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Кўприккурилиш» трести, йўл хўжалиги бошқармаси, лойиҳалаш институтлари, барча саноат корхоналари бунёдкорлик ишида фидойилик намуналарини кўрсатдилар.

Орадан ҳафта ўтиб, 2004 йилнинг 12 март куни «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!» сингари шиорлар ва кўкламнинг анвойи гуллари билан ясатилган муҳташам кўприк олдидаги майдонга Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти жамоатчилик вакиллари йиғилишди. Урганчдан чиққан замонавий поезд ўз йўловчиларини янги кўприкка етказиб келди. Фахрий йўловчилар орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам бор эди. Юртбошимизни кўприк олдидаги майдонда дарёнинг иккала қирғоғидан йиғилган жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар.

Тантанали митингда сўзга чиққан Юртбошимиз ушбу кўприк мамлакатимиз автомобиль ва темир йўл тизимларини замон талаблари даражасида ривожлантиришда, чет элга маҳсулот экспорт қилишда катта аҳамият касб этажагини алоҳида таъкидлаш билан бирга мана шундай буюк ишларнинг ижодкори бўлган азамат халқимизга чуқур миннатдорчилик билдирди.

Мана, беш йилдирки, ушбу ноёб иншоот мамлакатимиз шимолий минтақаси шаҳар ва қишлоқларини тараққий эттириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдек муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда. Шуни фахрифтихор билан айтиш мумкинки, бу кўприк асрлар оша одамлар узоғини яқин, мушкулини осон қилади, дилларни дилларга, элларни элларга боғлаб тураверади.

Сувонқул РУСТАМОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)



МУХОЛИФ КУЧЛАР имзо йиғмоқдалар



Грузиянинг мухолифатдаги 9 та партияси мамлакат президенти Михаил Саакашвили истеъфога чиқишини талаб қилиб, ҳудудлар бўйича имзо йиғишни бошлади. Ушбу имзо йиғиш мамлакатнинг Телави, Гори, Зестафони, Поти, Душети, Батуми, Озургети, Ахалцих, Марнеули, Гардабани, Рустави, Сенаки, Гуржаани, Самитредия, Зугдуди ва Кутаиси каби 16 та йирик шаҳарларида олиб борилади.

Ўтган ҳафтада худди шундай имзо йиғиш Тбилисида ўтказилди. Беш кун давом этган тадбирда 48347 киши президент истеъфосини талаб қилиб имзо чекди.

Имзо йиғиш 9 апрелгача давом этади. Шу куни мухолифатдаги сиёсий кучлар оммавий норозилик намойишини ўтказмоқчи. Улар конституциявий йўл билан ҳокимият алмашинувини амалга оширишмоқчи.

«Новости» АА хабарига қараганда, президент М. Саакашвили мухолифатнинг бу ҳаракатига эътибор ҳам қилаётгани йўқ. Унинг президентлик ваколат муддати 2013 йил бошида тугайди. Давлат раҳбари маъмурияти «навбатдан ташқари президент сайлови ўтказилишига ҳеч қандай сиёсий асос йўқ. Сайловларни тез-тез ўтказавериш катта харажатларни талаб қилади. Дунё бўйича иқтисодий инқироз юз бераётган ҳозирги пайтда бундай харажатларга йўл қўйиб бўлмайди» деб ҳисобламоқда.

Дарвоқе, «Алиа» газетаси маълум қилишича, куни кеча президент маъмуриятининг мансабдор ходими Георгий Бесташвили ўз лавозимидан воз кечиб, мухолифат томонга ўтди. Унинг айтишича, президент сиёсати боши берк кўчага кириб қолган.

✓ Иқтисодиёт ва ислоҳот

ХИЗМАТ СИФАТИ ОШМОҚДА

ОАТБ «Пахтабанк» Навоий вилоят бошқармаси фаолияти ҳақида

Бошқарма таркибидаги 8 та туман филиали ва 19 мини банк қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи корхона ва муассасалар, бюджет ташкилотлари, кичик бизнес ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Жорий йил бошида жами мижозларининг сони қарийб тўққиз мингга етди.

«Пахтабанк» Навоий вилоят бошқармасининг туман бўлимлари ширкат ва фермер хўжаликларига намунали банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Чунончи, ўтган йили пахта ҳосилини етиштириш учун бўнак тариқасида 12 миллиард 625,7 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Галла ҳосилини етиштириш учун эса фермер хўжаликларига берилган имтиёзли 2 миллиард 332,0 миллион сўм кредитнинг асосий қисми иш ҳақи, эҳтиёт қисм, минерал ўғит ва кимёвий воситалар, ёнилғи-мойлаш материаллари, техника хизматларига, электр энергия ва бошқа зарурий харажатларга йиллик уч фоизлик устама фоиз тўлови асосида ажратилди.

Шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида 2 миллиард 160,4 миллион сўм кредитлар берилди. Тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига молиявий ёрдам бериш, уларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш борасида кўрилган чора-тадбирлар боис банк филиаллари томонидан хизмат кўрсатилаётган кичик бизнес субъектларининг сони беш мингдан ошди. Кичик бизнес субъектларининг салкам етти юзта лойиҳаси молиялаштирилди, берилган кредитларнинг умумий ҳажми 5 миллиард 231,3 миллион сўмни ташкил этди.

Шу ўринда бир мисолни келтирсак: банкнинг Кескантерак филиали томонидан ўтган йили Меҳнат бандлиги маблағи ҳисобидан «Олтин Занжир» кичик корхонасига тикувчилик асбоб-ускунаси сотиб олиш учун 10,0 миллион сўм кредит маблағи йўналтирилди. Корхонада ўнта янги иш ўрни яратилди, маҳсулотлар сифати янада ошди.

Истиқболли инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш бўйича каттагина ишлар олиб борилди. Ҳукуматимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган дастури ижроси изчил таъминланмоқда. Халқаро молия институтлари томонидан ажратилаётган кредит линияларига истиқболли инвестициявий лойиҳаларни жалб этиш, тадбиркорларни мавжуд хорижий кредит линиялари билан қизиқтириш, уларни танитиш, маслаҳат бериш консалтинг хизматлари ишлари яхши самаралар бермоқда.

Президентимизнинг иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш тўғрисидаги ва иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш дастури тўғрисидаги Фармонлари ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар бажарилди. Бошқарма томонидан ўтган йил охиригача олти нафар мижозга жами 490 миллион сўм банк кредитлари ажратилди.

Жорий йилда ҳам ушбу Фармонлар ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан вилоятга инвестицияларни кенгроқ жалб этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш мақсадида кўрилаётган чора-тадбирлар дастури асосида жадал ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини таъминлаш ва омонатчилар, инвесторлар манфаатларига мос тегишли амалий тадбирлар ишлаб чиқилди.

Банкнинг шаҳар ва туман филиалларида Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлаш тўғрисидаги Фармони талаблари бажарилиши бўйича ҳам сезиларли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, «Пахта банк» бошқаруви томонидан юқори фоизли «Ватан ҳимоячилари», «Тараққиёт», «Ҳумо» каби омонат турларининг жорий этилиши натижасида шу йилнинг 1 январь ҳолатига жами депозитлар қолдиғи 5,3 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йил бошига нисбатан 50 фоизга ошди.

2009 йил Марказий банк томонидан банк ва мижоз ўртасида пластик карточкалар йили, деб эълон қилингани ҳаммага маълум. «Пахта банк»нинг Навоий вилоят бошқармаси мижозларга сўмдаги пластик картлар бўйича ҳисоб варақлари очиш ва операцияларни амалга ошириш ҳамда хизмат кўрсатиш мақсадида «Пластик картлар билан ишлаш» тизими жорий этилди. Энди мижозлар улар орқали ўз пластик карт ҳисоб варақлари тўғрисида маълумотлар олиш, пластик карточкага маблағлар ўтказиш, кирим ва чиқим паролларини ўзгартириш имкониятларига эга. Савдо шохобчаларида нақд пул олиш имкониятини берувчи банкомат ҳамда пластик картлар орқали нақд пулсиз операциялар қилиш учун терминаллар ўрнатилди.

Ўтган йил давомида шаҳар ва туман бўлимлари томонидан муомалага чиқарилган СПК (сўм пластик карточка)ларга маблағлар жалб этиш, улар орқали маҳсулотлар ҳамда хизматларга нақд пулсиз тўловларни амалга оширишни ривожлантириш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу боис мижозлар ўртасида жойлаштирилган пластик карточкаларнинг умумий сони жорий йил бошида 8198 тага кўпайиб, 46182 тани ташкил этди.

Бундан ташқари туманларда нақл пул тушумини кўпайтириш учун 2008 йил давомида одамлар гавжум жойларда аҳолига савдо хизмат кўрсатувчи 21 та савдо дўконларини замон талабига мос равишда таъмирлаш ҳамда қуриш учун жами 221,0 миллион сўм кредитлар ажратилди.

Президентимизнинг ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир Фармони ижросини таъминлаш борасида банк филиаллари томонидан ўтган йили 113 та мижозга 302,8 миллион сўм истеъмол кредитлари ажратилиб, шундан саксондан ортиқ ёш оилаларга ажратилган кредитлар миқдори 285,2 миллион сўмни ташкил этди. Тадбиркорликни ривожлантириш учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан қарийб олтмишта ёш оилага жами 229,2 миллион сўмлик микрокредитлар берилди. Шунингдек, тўртта ёш оилани уй-жой билан таъминлаш мақсадида жами тўқсон миллион сўм муддатли ипотека кредитлари ажратилди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари.

46 МИЛЛИОН КИШИ камбағаллашиши мумкин

Жаҳон банки экспертлари тайёрлаган маърузада қайд этилишича, дейилади «Washington Post» газетаси ахборотида, жаҳон иқтисодий инқирози жорий йилнинг ўзида дунё бўйича 46 миллион кишини қашшоқлик домига тортиши мумкин. Бу ҳол компанияларда иш ўринларининг қисқариши ва маошларнинг камайтирилиши оқибатида юз беради.

Бундан ташқари, экспертларнинг фикрича, бозор ривожи учун хусусий инвестицияларни жалб этиш ҳажми ҳам тушиб кетади. Айни дамда бу кўрсаткич 2007 йилга қараганда, 17 фоизга камайган. Бу кейинги 80 йил оралиғидаги энг паст кўрсаткичдир.

Бугунги кунда ривожланаётган 116 та давлатдан 94 тасида иқтисодий ўсиш суръати кескин пасайган.

«Маяк» радиосининг хабарига қараганда, бу йил автомобиль савдоси дунё бўйича жуда паст даражага тушиб кетиши кутилмоқда. Таҳлилий башоратларда айтилишича, жорий йилда дунё бўйича 55 миллионта автомобиль сотилиши мумкин. Бу 2008 йилдагига нисбатан, 10 фоизга камдир. Ушбу соҳада кўтарилиш келгуси йилдан юз бериши эҳтимоли бор. 16 та мамлакатни ўзига бирлаштирган евроҳудудда (евро пул бирлиги амалда бўлган давлатларда) эса иқтисодий ўсиш айрим таҳлилчилар башорат қилганларидек жорий йил охирида эмас, балки келгуси йилдан юз бериши мумкин. Бу ҳақда «France Presse» АА хабар тарқатди.

ЙЎЛЛАРГА ТУЗ СЕПИЛИШИГА қарши

Маълумки, қишда йўллар музласа, уни эритиш учун туз сепилади. Тюменда бўлиб ўтган норозилик намойиши айнан йўлларга туз сепилишига қарши қаратилди. Мақсад йўлларга туз сепилиши натижасида экологик вазиятнинг ёмонлашиб бораётганига шаҳар маъмурияти ва кенг жамоатчилик эътиборини қаратишдир.

«REGNUM» АА хабарида қайд этилишича, ҳозирги кунда Тюменда кўкаламзорлар ачинарли ҳолатда бўлиб унинг зичлиги Москва ва Свердловскдан кўра анча паст даражага тушиб қолган. Бу йўлларга туз сепилишининг салбий оқибатидир. Негаки, туз сепилиши натижасида тупроқ шўрланиши юзага келмоқда. Бу эса дов-дарахтларнинг қуриб қолишига сабаб бўлмоқда.

НОН... ТЎКИН ДАСТУРХОН

АНДИЖОН. «Golden Berg Servis» шўъба корхонаси ишлаб чиқараётган нон ва нон маҳсулотлари сифати ҳамда таъми истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Яқинда бу ерда маҳсулотлар чакана савдосини ташкил қилиш мақсадида «Rizq» фирма дўкони очилди. Хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада 20 нафар маҳаллий ёшларга янги иш ўринлари яратилди.

Суратларда: *нон ишлаб чиқариш цехининг янги «Rizq» савдо дўкони; ишчи Ойбек Сайфуллаев.*

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар



Андижон шаҳри, Мирпўстин кўчаси, 32-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1993 йил 23 декабрь, 156-тартиб рақами билан рўйхатга олинган «Бобур халқаро жамғармаси» номи Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонунига асосан «Бобур номли жамоат фонди» деб ўзгартирилди.

Шунга кўра «Бобур халқаро жамғармаси»нинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Бобур номли жамоат фонди»га ўтказилмоқда.

Даъво ва эътирозлар мазкур фонд томонидан қабул қилинади.

Қашқадарё вилояти, Қамаши туманидаги 36-ўрта мактаб томонидан Ҳайрулла Раҳмонович Ибодов номига 1981 йилда берилган BN№506887 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Янги шеърлар

ОДАМ БОЛАСИГА ТАФАККУР ЁРДИР

ЗАМИН ДАРДИ

Дополик чексиздир бамисли олам,
Чегараси йўқдир нодонликнинг ҳам.

Гоҳи қувонч ҳисси тошар дунёда,
Гоҳи кулфат юки ҳаддан зиёда.

Бир ёнда қулф уриб яшнаса бўстон,
Бир ёнда гулшанни айлашар яксон.

Сен бунинг баридан юмиб кўзингни,
Туну кун ўйлайсан танҳо ўзингни.

Фалакда кезади қанча дайди тош,
Бизнинг сайёрага гўёки йўлдош.

Қулаб тушмасмикан дафъатан бири,
Қийнар бандаларни бу ҳолнинг сири.

Сен-чи, бепарвосан бунинг барига,
Дейсан, тушса тушар мендан нарига.

Олис қитъадами, аллақайларда,
Ажал мудраб ётар қир, тўқайларда.

Заминни чулғаса ногаҳон иллат,
Менга йўламайди дейсан сен албат.

Қўшнининг бошига тушса гар савдо,
Сен бунга қилмайсан заррача парво.

Ўзганинг ташвини сен учун абас,
Ўзинг чиққан тепа омон бўлса бас.

Еру кўк, тоғу тош, уммону дарё
Бировнинг маҳрига тушмаган асло.

Фозиллар оламга бедор ошиқдир,
Бир кўзи ухласа, бири очиқдир.

Шоир юрагини ёқар армонлар,
Ҳаргиз тиним билмас сиёсатдонлар.

Аллоҳ иродаси барчамизга бир,
Кўргаймиз, нимага дуч қилса тақдир.

Ҳеч ким холи эмас куфру хатодан,
Ахир тарқаганмиз Одам Атодан.

Билмасмиз, эрта кун юз бергай не ҳол,
Нима кутар бизни — камолми, завол.

Ҳар нечук ишончу тасалли бордир,
Одам боласига тафаккур ёрдир.

Лекин сен бу гапни ёдда тут фақат,
Ҳаммага аёндир ушбу ҳақиқат:

Заминни бир ари чаққани чоғи
Қабариб чиқади иккинчи ёғи.

1.03.2009 й.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

СИНОВ

Ипак қуртининг ҳам бор ахир жони,
Лекин қурбон бўлиб кеттай у ғариб.
Хазон синоҳига бўлолмай монеъ,
Қанча баҳорларим ўтди сарғариб.

Вафолар қилсам ҳам дилдан, юракдан,
Жафо бўлиб қайтди афсуски улар.
Ўқ еган турнадек осмон-фалакдан
Ерга қулаб тушди не-не туйғулар.

Эзгулик кимнингдир мулки эмасдир,
Қуёш ҳам барчага баробар бироқ,
Мени ёлғизлатди негадир тақдир,
Менга синовларин юборди кўпроқ.

Бир замон дунёни севардим тўлиб,
Ҳатто яproғига эгар эдим бош.
Энди ҳаммасидан пушаймон бўлиб,
Ўттан севгим учун тўкаман кўзёш.

2.03.2009 й.

ШИРИН СЎЗ

Етим ҳар жойларда сапғирди сарсон,
Усти боши жулдур, мадор йўқ танда.
Шоир унга атаб шеър ёзди нолон:
— Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда.[1]

Қай кун қўлга тушди номдор бир одам,
Асли ўғри экан, каззоб, шарманда.
Мен дейман, воажаб, энди унга ҳам
Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда.

2.03.2009 й.

ТАСАВВУР

Бу кўҳна қўшиқдир,
Бу эски нола,
Унута олмасман мен уни буткул.
Бозор эшигида ёшгина бола
Кекса тиланчига узатарди пул.

Ҳар ким ўз баҳосин бергай бу ишга,
Ҳар ким ўз ҳукмини ўзи билажак.
Ҳориб мункиллаган қари ўтмишга
Мурувват қиларди гўё келажак.

Кўп узоқ йилларга элтади хаёл,
Тасаввурни эзар тағин шу нола:
Бозор эшигида турар кекса чол,
Бу ўша бола-ку, бу — ўша бола.

8.03.2009 й.

ЁЗАМИЗ...

«Ҳаво совуб кетди!» —
Ёзамиз.
«Ёмғир ёвуб ўтди!» —
Ёзамиз.
«Кўча ҳалқоб бўлди!» —
Ёзамиз.
«Эчки ҳаром ўлди!» —
Ёзамиз.
«Сигир кўзин сузди!» —
Ёзамиз.
«Буқа ипин узди!» —
Ёзамиз.
«Тошмат мошин олди!» —
Ёзамиз.
«Эшмат айвон солди!» —
Ёзамиз.
Ёза-ёза аста ўзимиз
Йўлдан
Озамиз!

9.03.2009 й.

ШОИРЛАР

(Эсдаликлардан)

Уч-тўрт шоир тўпланиб олиб,
Бир-бирларин мақташар бийрон:
— Мен Пушкинман, сен — Мирзо Ғолиб,
У — Навоий, бу эса — Байрон.

Алаҳлашар битта ниятда:
Уни йўқот, бунисин емир.
То тонгтача Адабиётда
Тер тўкади ёлғиз Миртемир.

9.03.2009 й.

[1] Ғ.Ғуломдан

Спорт

ОСИЁДА КАТТА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Осиёда чемпионлар лигаси ва ОФК кубоги баҳслари старт олди. Бу йилдан бошлаб янгича кўринишда ўтказилаётган Осиё чемпионлар лигаси учрашувларида юртимиз шарафини «Бунёдкор» ҳамда «Пахтакор» жамоалари ҳимоя қилаётган бўлса, ОФК кубогида «Нефтчи» футболчилари ўз омадларини синаб кўришмоқда.

«А» гуруҳида иштирок этаётган пахтакорчилар дастлабки турда Бирлашган Араб Амирликларида «Ал-Аҳли» (Абу-Даби) жамоаси меҳмони бўлди. Унда муносиб тўп сурган ҳамюртларимиз баҳсларни ғалаба билан бошлашди. Аввалига биринчи бўлимда Одил Аҳмедов пенальтидан ҳисобни очди, танаффусдан сўнг Зайниддин Тожиев мезбонларни иккинчи маротаба ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур қилди. Учрашувнинг сўнгги дақиқаларида «Ал-Аҳли» вакиллари ҳисобни қисқартиришди — 1:2.

Гуруҳдаги иккинчи учрашув эса кеча кечқурун Саудия Арабистонида «Ал-Ҳилол» — «Саба Баттери» (Эрон) жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

«Бунёдкор» футболчилари «Д» гуруҳидан жой олишган. Кеча бунёдкорчилар пойтахтимиздаги «Жар» стадионида Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифоқ» жамоасини қабул қилди. Ҳамюртларимизнинг тўлиқ устунлигида кечган мазкур ўйин якуний ҳисобда ҳам ўз аксини топди — 2:1. Тўпларни вакилларимиздан Анваржон Солиев (2та) киритди.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда эса «Ал-Шабаб» (Саудия Арабистони) — «Сепахон» (Эрон) жамоалари ўзаро рўбарў келишди.

ОФК кубогида илк маротаба қатнашаётган «Нефтчи» футболчилари учун баҳслар муваффақиятсиз бошланди. Байрутда «Ал-Аҳад» (Ливан) жамоаси меҳмони бўлган фарғоналиклар рақибларига йирик 1:5 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

Мусобақаларнинг 2-тур ўйинлари 17-18 март кунлари бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО

«121 — ЯНГИБОЗОР АВТОКОРХОНА»

МЧЖ қуйидаги турдаги автотранспорт воситаларини сотувга чиқарди:
«Газ-52»,
«Газ-53»,
«Каз-608» автомобиллари ва
«2 УПС-10» тиркамалари

Манзил: **Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони, Порлоқ кўчаси, 1-уй.**
Телефон: +99897-766-53-49.

«POYTAXT AUKSION» ДУК

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2009 йил 17 февраль сонидаги эълонда кўрсатилган д/б АР 895 бўлган «ГАЗ-3102» а/т воситасининг бошланғич баҳоси божхона тўловларидан ташқари кўрсатилганлигини, шунингдек, газетанинг аввалги сонларида берилган барча эълонларда кўрсатилган объектлар белгиланган санада сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба куни ўтказиладиган савдоларга қўйилишини маълум қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
17081 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 22.40
Sotuvda erkin narxda

БАХТИНГИЗНИ ЮРТИМИЗДАН ИЗЛАНГ!

деди 80 ёшли Мамаюсуф Буваев Қувасой агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари билан учрашувда

Шукронлик

Яхши гапнинг ҳам, ёмон гапнинг ҳам оёғи бор, дейдилар. Қувасойлик бир гуруҳ йигитлар кимларнингдир ёлғон ваъдаларига учиб Россия томонларга кетгани, орадан 2-3 ой ўтгач озиб-тўзиб, касал ҳолатда икки қўллари бўмбўш, яна унинг устига қарздор бўлиб аранг уйларига кириб келганларини эшитган Мамаюсуф ота бир ерда ўтиролмай қолди. «Бу нима дегани ўзи, норғулдай йигитларда ақл бўлмаса», дерди ўзига ўзи. Шу куниёқ «Нуроний» жамғармасига маслаҳат солиб борди.

— Фирибгар одамфурушлар ўғил-қизларимизни ёлғонига ишонтира олганида, биз ўз тақдиримиз, ҳаётимиз мисолида жигаргўшаларимизни ҳақиқатга ишонтира олмаймизми!

Отаҳон тутоқиб айтган бу гаплар устида вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Усмонжон Бегматов ҳам ҳар кун бош қотирар эди. Шундан бўлса керак дарҳол таклиф киритди:

— Ҳар бир маҳалла, ҳар бир ўқув юртида учрашувлар ўтказамиз. Элда ҳалол меҳнати билан обрў қозонган инсонларни таклиф этамиз. Қувасойдаги мулоқотларни Мамаюсуф ота

бошлаб беради.

Нуронийлар раҳбарининг бу гапида асос бор эди. Салкам саксон ёшни қоралаган Мамаюсуф ота умр бўйи механизаторлик қилди. Номи трактор борки, ҳаммасини бошқарди. Ҳалигача механиклар унинг олдига келиб маслаҳат сўраб турадилар. Аллоҳ отага тўққиз фарзанд ато этди. Барчаси ўғил. Валиқ қишлоғининг салкам чораги Буваевлар оиласига қондош-қариндош.

Фарзандларини меҳнатсевар қилиб тарбиялади. Бири ўқитувчи, бири ишчи, яна бири инженер... Ҳаммаси шу ерда ўқиб, ҳунарли-билимли бўлди. Ўз қишлоқларини обод қилиб ҳамжиҳатликда яшаяптилар.

Қувасой агросаноат касб-ҳунар коллежида мингга яқин ўқувчи таҳсил олади. Мамаюсуф ота билан учрашувга йиғилган одамлар катта залга сиғмас эди. Саҳна тўрига отанинг таклифи билан «Ҳунар — ҳунардан ризқинг унар», «Саёқ юрган таёқ ер» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

— Азиз фарзандларим, ҳунарли киши ҳеч қачон хор бўлмайди, — дея сўз бошлади ота. — Ҳунарли киши ҳаётда ҳамма вақт ризқини топа олади. Шунинг учун танлаган ҳунарни пухта эгалланг, у сизга умр бўйи асқотади...

Шу куни савол-жавобларнинг мавзуи ҳам, сони ҳам чегараланмади. Ёшлар билмоқчи бўлган барча масалалар хусусида қониқарли жавоб олдилар. Мулоқот якунида Мамаюсуф ота шундай деди:

— Бахтингизни ўз юртимиз — Ўзбекистондан изланг!

Кутилмаганда коллеж ўқувчиларидан бири ўрнидан туриб тенгдошларига мурожаат қилди:

— Мен сизлар қатори мана шу коллежда учинчи йилдирки механизаторлик касбига ўқимоқдаман. Бу йил коллежнинг илк битирувчиси сифатида қўлимизга диплом оламиз. Келинглар, Мамаюсуф отани ишонтириб сўз берайлик.

Бир пайт залда ўтирган юзлаб йигит-қизлар ўринларидан турдилар ва мана бу сўзларни биргаликда такрорладилар:

— Биз ўз юртимиз — Ўзбекистонни жону дилимиздан севамиз. Бу жаннатмакон юрт учун бутун борлиғимизни беришга тайёрмиз. Касб-ҳунар эгаллаб бахтимизни шу она диёрдан излаб топамиз ва унинг порлоқ келажагини қуришда фаол иштирок этамиз!

Ғоят ҳаяжонли дақиқалар эди бу онлар. Ёшларнинг қалбида жўш урган ватанпарварлик ҳиссидан тўлқинланган ота яна сўз олди:

— Болаларим! Давлатимиз менга каттагина пенсия беради. Қолаверса, ёнимда тўққизта суянчиғим турибди. Мен коллежнинг ҳунарни сидқидилдан ўрганаётган, фанларни аъло ўзлаштирган ва фаол жамоатчи ўқувчиларига бугундан бошлаб ҳомийлик қилишга тайёрман.

Коллеж талабалари Мамаюсуф ота билан суратга тушишди. Тадбир тугаган бўлса-да, аммо савол-жаволар давом этар эди...

Буни кузатиб турган Усмонжон Бегматов:

— Бундай мулоқотларни давом эттирамиз, деди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. **Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси,** кафедра мудири, 1 ўрин; доцент, 1 ўрин; ўқитувчи, 1 ўрин.
2. **Сиёсатшунослик кафедраси,** ўқитувчи, 1 ўрин.
3. **Педагогика ва тиллар кафедраси,** катта ўқитувчи, 1 ўрин.
4. **Туркиёт кафедраси,** доцент, 1 ўрин.
5. **Мумтоз филологияси кафедраси,** доцент, 1 ўрин.
6. **Эрон-афғон филологияси кафедраси,** ўқитувчи, 1 ўрин.
7. **Халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси,** ўқитувчи 1 ўрин.
8. **Инглиз тили кафедраси,** катта ўқитувчи, 1 ўрин.
9. **Япон филологияси кафедраси,** ўқитувчи, 1 ўрин.
10. **Роман тиллари кафедраси,** катта ўқитувчи, 1 ўрин.
11. **Узоқ Шарқ минтақаси иқтисоди ва мамлакатшунослиги кафедраси,** катта ўқитувчи, 1 ўрин.
12. **Менежмент ва маркетинг кафедраси,** катта ўқитувчи, 1 ўрин.
13. **Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси,** катта ўқитувчи, 1 ўрин; ўқитувчи, 1 ўрин.
14. **Ғарбий Европа тиллари кафедраси,** катта ўқитувчи, 1 ўрин; ўқитувчи, 1 ўрин.
15. **Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси,** ўқитувчи, 1 ўрин.
16. **Халқаро муносабатлар кафедраси,** ўқитувчи, 1 ўрин.
17. **Исломшунослик кафедраси,** ўқитувчи, 1 ўрин.
18. **Математика ва информатика кафедраси,** катта ўқитувчи, 1 ўрин; ўқитувчи, 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.
ҲУЖЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан).
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари.
4. Илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25.
Тел.: 233-45-21, 233-44-36.